

Министерство ИКАБРА

Мунира ИСАЕВА.

Спорт Спорт Спорт

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг олий табақасида иштирок этаётган ўн олтинчи жамоа иккинчи тур учрашувларини ўтказди. Тошкент вилоятининг икки жамоаси — «Олмалик» ва «Металлург» ўзаро куч синашишти.

«ОЛМАЛИК» ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

«Олмалик» мезбонлик қилган учрашувда дастлабки гол бекободлик чарм тўп усталари ҳисобига ёзилди. «Металлург» ҳужумини қайтаришга уринган Мурод Хамроев қутулмаганда ўз дарвозасига тўп киритиб, мавсумдаги биринчи автогол муаллифига айланди.

Ўз майдонида мағлуб бўлаётган Игорь Шкирин шогирдлари иккинчи бўлим давомида вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилишди. Натижада Абдумуслим Богатирёв қирқ еттинчи ва эллик олтинчи дақиқаларда иккита тўп киритиб, жамоасининг 2:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Биринчи ғалабасини ишонлаган «Олмалик» футболчилари тўрт очко билан юқори ўринлар учун курашётган жамоалар қаторига қўшилди. «Металлург» футболчилари эса кетма-кет иккита ўйинда имкониятни бой берди.

Иккинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Бунёдкор» (Тошкент) — «Кизилкум» (Зарафшон) 4:0, «Бухоро» (Бухоро) — «Насаф» (Қарши) 0:1, «Машъал» (Муборак) — «Динамо» (Самарқанд) 1:0, «Хоразм» (Ургач) — «Сўғдиёна» (Жиззах) 2:2, «Шўртан» (Ғузор) — «Навбахор» (Наманган) 0:1, «Андижон» (Андижон) — «Пахтакор» (Тошкент) 0:0, «Локомотив» (Тошкент) — «Нефчи» (Фарғона) 2:1.

Мусобақа жадвалида олтинчидан очко жамгарган «Бунёдкор», «Насаф» ва «Локомотив» жамоалари етакчилик қилмоқда. Мавсумда юқори ўринлар учун курашиши қутилган «Динамо», «Нефчи», «Металлург», «Шўртан» ва «Бухоро» футболчилари ҳали очко жамгармаган ҳолда, қуйи поғоналарда бормоқда.

23 мартга белгиланган учинчи тур учрашувда «Олмалик» футболчилари Жиззахда «Сўғдиёна» жамоаси меҳмони бўлади, «Металлург» эса ўз майдонида «Шўртан» вакиллари билан куч синашиди.

Боҳир БЕК.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент денгизда ўтказилган байдарка ва каноеда эшак эшиш бўйича навбатдаги мамлакат киши оқик чемпионатида юртимиз спортчиларидан ташқари Қозғистон ва Тожикистондан келган жами юз нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Ҳамюртларимиз маҳорат ва таҳриба бобида рақибларидан анча устунилигини исботлади. Байдаркада 1000 метр масофага ўтказилган беллашувларда вакилимиз Сергей Борзов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Кейинги ўринлар ҳамюртларимиз Владимир Осокин ва Андрей Беккута насиб қилди.

Хотин-қизлар баҳсида Виктория Петришина бир километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Қумуш медалга Юлия Борзова сазовор бўлди. Қозғистонлик Наталья Сергеева қучли учлиқдан жой олди.

500 метр масофага ўтказилган беллашувларда ҳам юртимиз спортчилари ўзини қурсатди. Рақибларини ортада қолдирган Алексей Пятков, Алексей Бобононов ва Вячеслав Горн соврилли ўринларни эгаллади. Юлия Борзова аёллар мусобақасида олтин

медални қўлга киритди. Кейинги ўринни эгаллаган Наталья Сергеева Қозғистон жамоаси ҳисобига қумуш медалга келтирди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Екатерина Шубина шохсупанинг учинчи поғонасига қутарилди.

Беш километрга ўтказилган пойгада медаллар байдаркачиларимиз — Вячеслав Горн, Алексей Бобононов ва Александр Тропин, Юлия Борзова, Виктория Петришина ҳамда Мария Михедага насиб этди.

Каноеда эшак эшиш бўйича Пекин Олимпиадасида тўртинчи ўринни эгаллаган Вадим Меньковга тенг келадиган рақиб топилмади. Осиёнинг айни пайтдаги энг қучли каноечиси 500, 1000 ва 5000 метрга ўтказилган пойгаларда маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Бекажон

ПАТИР КУЛЧА

Ҳамир қориш ва тандирда пишириш жараёни ёғли патир тайёрлашдан фарқ қилмайди. Фақат зувала кичикроқ, яъни 150 граммлик қилиб ясаллади.

Масаллиқлар:

1 кг. ун, 1 стакан илик сут, 40 гр. ҳамиртуруш, 150 гр. эритилган қўй ёғи ёки сариёғ, 2 чой қошиқча туз ва юзини безаш учун седа-на.

СУТЛИ НОН

Оби нондан фарқи шуки, ҳамирга сув ўрнига сут қўшиб қориллади.

Аниқан сут, қатқил зардобини ҳам ишлатса бўлади.

Масаллиқлар:

1 кг. ун, 40 гр. ҳамиртуруш, 2 стакан илик сут, 1,5 чой қошиқча туз.

АСАЛЛИ КИЁМ

Ёнғоқ мағзини майдалаб, бир оз қуритасиз ва галвирдан ўтказасиз. Сўнг уни асалга қўшиб, яхшилаб аралаштирасиз. Ушбу ширинлик дастурхонга пиёлада тортилади.

Масаллиқлар:

500 гр. асал, 200 гр. ёнғоқ мағзи талқони.

Юлдаухон
ФАЗЛИДИНОВА
тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-240.

Адади 11961.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Саҳифаловчи: Тоҳир МАХМУДУҲҲАЕВ.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Нашр қўрсаткичи — 205.

Босишга топириш вақти — 20.00. Босишга топирилди — 20.15.

2 5 6 7 8

Шарҳловчи минбари

ХОРИЖДА ЯНА ПАРРАНДА ГРИППИ

Осиё ва Европанинг айрим мамлакатларида парранда гриппи авж олмоқда. Шу пайтгача минглаб парранда йўқ қилинди. Қатор давлатларда гриппнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўйилди. Шунга қарамай, унинг инсонлар ҳаётига таҳдид солиши давом этаётди.

Индонезия соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатда «Эйч5-Эн1» штамми парранда гриппи вирусини юқтирганлар сони тобора кўпаймоқда. Айни вақтда ушбу касаллик тўғрисидаги маълумотлар сони юздан ошган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ҳозир бундай ҳолат асосан Миср, Индонезия ва Вьетнамда кўпроқ учрайди. Мазкур мамлакатларда эпидемия авж олиб бораётгани тўғрисида парранда гриппи вирусининг тарқалишига қарши

курашнинг стратегик режаси ишлаб чиқилмоқда. Мазкур офат Жанубий Кореяни ҳам четлаб ўтмади. Мамлакатнинг Чолла-Намдо ва Чолла-Пукто туманларидаги ўттиздан зиёд фермада «Эйч5-Эн1» штамми парранда гриппи вирусини аниқланган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, 2008 йилда мамлакатда вирус тўғрисида 1,3 миллиондан зиёд парранда йўқ қилинган.

Ў.А.

Таассуф

Қибрай туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар махсус футбол мактаби вилоят миқёсида ўзига ҳос салоҳиятга эга-ю, бироқ неча йилдирки, спорт базаси йўқ.

Шундай бўлсада, тумандаги 22 та мактаб ўқувчилари жалб эта олганми? — дейди мактаб директори Нуриддин Мухамедов. — Салор худудидagi 4 та мактаб ўқувчилари ўз мактабларида ёки яқин атрофда футбол билан мунтазам шуғулланишлари учун умуман шароит йўқ. Шу сабаб, 30-умумтаълим мактабидида ўтказилган машғулотларимизга қатнашларига тўғри келмоқда. Бунинг учун улар 4-5 километр йўл босиб келишга мажбурлар.

Мактабнинг шундоқкина ёғинасида футбол майдони бор. Лекин у «Дўрмон» агрофирмаси тасарруфиди. Агрофирмадагилар эса, ўйингоҳни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, унинг тақдирини билан қизиқишмаяпти. Бу ёқда эса, футбол мактабидидагилар тайинли футбол ўйингоҳи қидириб овораю сарсонлар.

Давлатимиз жойларда болалар футболни ривожлантириш, замонавий ўйингоҳлар барпо этиш учун қанчадан-қанча маблағ сарфлагани, — дейди футбол мактаби директори ўринбосари Нуриддин Мухамедов. — Қўриб турибсиз, ёғинамизда тайёр ўйингоҳ бўла туриб, ундан фойдалана олмаймиз. Агар шу ўйингоҳ мактабимизга берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Биз ҳам ўз спорт базамизга эга бўлардик, ҳам турли оворалар қидиришга чек қўйлардик. Энг асосийси, бундан ўтган ўйингоҳ ўзининг ҳақиқий эгасини толарди.

Мактабдагиларнинг қуюниб айтишларига, яқин атрофда яшовчи аҳоли ўйингоҳнинг чеккаларига ахлат ташлашни одат қилишди. Сўнгги йилларда ўйингоҳи қиёқда 5-6 та янги шахсий уйлар қурилиб, аҳоли қўчи кела бошлаган. Улар буш ётган ўйингоҳни йўқ қилиб олишган. Ҳатто, машина ҳам ўтавергани оқибатида футбол майдонининг ўртаси аллақачон тақир ерга айланиб, чим ўсмайдиган бўлиб қолган. Бу ҳолат билан «Дўрмон» агрофирмаси хо-

лари қизиқяпти, на маҳалла фуқаролар йиғини... Биз масалага аниқлик киритиш учун агрофирма раҳбарига мурожаат қилдик. — Бу ўйингоҳ бизнинг агрофирмага қарар эканми? Мен ширкат тугатилганидан кейин ўйингоҳ туман ҳокимлиги ёки маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфига ўтган бўлса керак, деб ўйлардим. Агар ўйингоҳ

ИЧИМЛИК СУВИ ТАНҚИСЛИГИ БОИС

Зимбабве ва унга чегарадош мамлакатларда вабо тарқалиши тобора авж олмоқда. Бу ҳолат инсонлар умрига зомин бўлиш баробарида катта иқтисодий зарар ҳам келтираётди. Эпидемияга қарши кураш чоралари қўйилган бўлишига қарамай, ҳануз вабо тарқалиши жиловлангани йўқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Зимбабведа вабо билан касалланганлар сони тўқсон мингдан ошган, тўрт минг икки юзга яқин киши ҳаётдан қўз юмган. Шифокорлар ва дори-дармон етишмаслиги вабонинг яна-

да авж олишига сабаб бўлмоқда.

Хабарларга қараганда, Зимбабведа вабо офатининг жуда тез тарқалиши мамлакатда ичимлик суви танқислиги билан боғлиқ. Аҳоли ифлосланган манбалардан сув ичишга мажбур бўла-

тир. Гигиена қоидаларига риоя қилмаслик эса ҳар қандай юқумли касаллик ривожини учун яхши шароит яратди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, БМТнинг Фавкулдада вазиятлар бўйича марказий жамғармаси Зимбабведа авж олаётган ушбу офатни бар-тараф этиш учун 7,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

ФУТБОЛ МАЙДОНИСИЗ МАКТАБИ

Бўлиши мумкинми?
Афсуски, мумкин экан...



— Болам, айтувдим-а, бу ерга тарвуз экиб бўлмайди, деб...
Абдурашут ҲАКИМОВ чизган расм.

спорт мактабига шунчалик керак бўлса, бемалол, олаверибсиз. Ҳеч қаршилгим йўқ, — деди агрофирма раҳбари Ризамат Ёқубов.

Очиги, бу гапдан тааж-жубландик. Ўз тасарруфиди нима бор-йўқлигини билмаган раҳбардан нима ҳам кутиш мумкин? Бизнингча, тайёр футбол майдонига бу қадар эътиборсизликни худудда болалар спортини ривожлантиришдаги муҳим масалага нисбатан лоқайдлик, дея баҳолаш тўғриси бўларди.

Шу ўринда 2-болалар ва ўсмирлар махсус футбол мактаби ҳақида икки оғиз

лари тўғрисидаги қарори эълон қилинган, мактабга хизирги маком берилди.

Бугунги кунда мактабнинг 34 та гуруҳига 500 нафарга яқин ёш футболчи жалб этилган. Мактабнинг ўз спорт базаси бўлмаганлиги учун машғулотларни тумандаги 3-, 6-, 11-, 14-, 15-, 30-, 48-умумтаълим мактаблари ўйингоҳларида, Қибрай ўқув-машғулот қароргоҳи, Дўрмон, Ёшлик, Окқовок қишлоқларидаги майдонларда ўтказишга тўғри келмоқда. Етарли шарт-шароит яратилмаган бўлсада, мактабнинг 11 нафар мураббийи ўз ўқувчи-

Тошкентнинг «Трактор» жамоаси ўйинчилари Абдуҳамид Абдуҳамидов, Улуғбек Иброҳимов, Дилшод Нурхонов, Мақсуд Мирзамухамедов, Аъло Орипов, Ёлдор Шайхиддинов, Навоийнинг «Зарафшон» ва «Кизилкум» клубларида тўп сурган Виталий Кузнецов, футбол устаси Жасур Содиқов шу мактабда таълим олишган.

Ёш футболчиларнинг мусобақаларда бемалол қатнашишлари учун болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти икки томон доирасида ёрдам бериб туришибди.

Шу боис спорт базаси бўлмасда, мактаб футболчилари ўтган йилни яхши натижалар билан якунлашди. Мактаб ўқувчиларининг киши таътили, республика-миз Мустиқлигининг 17 йиллиги ҳамда «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишланган туман биринчиликлари-нинг юқори савияда ўтказилганлиги фикримизга яққол мисол. «Умид Nicholson» спорт мусобақалари-нинг вилоят босқичида мактаб ўқувчилари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.

Ана бир гап. Ҳар йили вилоятимизда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг марҳум мураббийи, Осиёнинг 1999 йилги энг яхши мураббийи Махмуд Раҳимовнинг хотирасига бағиш-лаб болалар ўртасида аънавий мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Бу мусобақаларда 2-футбол мактаби вакиллари 9-10 ёшлилар гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, финалгача етиб боришди. 13-14 ёшли футболчилар эса, иккинчи ўринни эгаллашди.

Бундан ташқари, ўтган йили маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган «Футбол-миз келажиги» мусобақаларининг республика босқичида спорт мактаби тарбияланувчилари фахрли учинчи ўринни қўлга киритишди.

Шу йилнинг бошида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳоимйлик кенгашининг навбатдаги йилгилишда давлатимиз раҳбари спорт соғлом авлод ва соғлом келажак гарови эканлигини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатдан ҳам фақат соғлом халқ ва соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Истар-дикки, мана шу ҳаётини ҳақиқатини маҳаллий мутасаддилар тўғри тушуниб етса-лар, Ҳусусан, 2-футбол мактабнинг ўз спорт базасига эга бўлиши масаласига ҳам эътиборлироқ бўлишса. Ана шунда бу ердан ҳам юртимиз довуғини жаҳонга таратадиган клуб маҳоратли футболчилар етишиб чиқса ажаб эмас.

Ҳуришда НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

ПАРИШОНЛИК

(Латифага пародия)

Нуроний чолдан сўрашди:

— Неча ёшдасиз, отахон?

— Тўқсондан ошдим, бўтам.

— Офарин, минга киринг. Чеҳрангизда парижонлик сезгандай бўлаётми, бунинг сабаби нимада?

— Бобом «қачонгача ишламасдан отангнинг топганини еб юрасан», деб урдилар, — жавоб қилди нуроний чол.

Собир Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 1/1, 24-уй, 14-хонадонга, Саипов Ҳақимжон Носирович номига берилган йўлини ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган «Отчопар» қорхонасига тегишли 1995 йил 13 февралда берилган 277-сонли мулкнинг ҳужжатлари ҳақида давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Республика Қўчмас мулк биржаси 15 ёшда!
«Республика Қўчмас мулк биржаси» ВАЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибидида ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этилди!

2009 йил 31 март кўни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақдирланган Бекобод тумани бўлими бўлими Бекобод тумани Ёшлик ХХСК омиборида сакланган қўйилган автомобилотранспортлар қўйилмоқда: 1. ЖИБ Бекобод туман су-дининг 04.06.2008 йилдаги 5-736-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ИЖ-103К» русумли, д/р ТШБ 0411 бўлган, 1978 йилда и/ч мотоцикл, Бошланғич баҳоси — 52 912 сўм. 2. ЖИБ Бекобод туман су-дининг 22.09.2008 йилдаги 5-1355-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Урал М6736» русумли, д/р 97-86 (ТШБ) бўлган, 1983 йилда и/ч мотоцикл, Бошланғич баҳоси — 56 416 сўм. 3. ЖИБ Тошкент вилоят су-дининг 15.02.2008 йилдаги 2-29-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «BA3-21011» русумли, д/р 11Т9598 бўлган, 1975 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.

Утерянный план дома (БТИ) по адресу: г. Ташкент, Юнусобадский район, 3-квартал, д. 3, кв. 21, выданный на имя Рахимжонова Умиджона Ботиржонвича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Уртачирчиқ тумани ҳўжалик ҳисобидида ЕР тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати томонидан Уртачирчиқ тумани, Қорасув қ.й. худудидида жойлашган чойхона бино ва ишоотлари учун 2008 йил 31 июлда Абдурахманов Саноабир Алимжанов номига берилган серия ТА № 06610212-сонли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мазкур автомобилотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бесотиста жойига қичиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талаботлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида қўчмас мулк рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»нинг С. Раҳимов ф-даги қўйилган ижро ҳақ рақамига тўлашлари шарт. МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ураббоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.